

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №

Навоий и.

2022 йил «01» нафти

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" леб юритиладиган Куби Зарафион ИТХБ хузуридаги Мелиоратив экспедицияси номидан устав асосида иш кўрунчи бошлиги Ш.Сафаров бир томондан ва кейинги ўринларда Пудратчи деб юритиладиган Барҳёт замни томорка хизмати МЧЖ номидан устав асосида иш кўрувчи У.А.Жумасев иккинчи томондан Кармана туманидаги 28 дона мелиоратив қудукларга ер ости сув даражаси ва менераллашув даражаси онлайн мониторинг (DIVER) қурилмасини ўрнатиш бўйича куйидаги шартномани туздилар.

## I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган Кармана туманидаги 28 дона мелиоратив қудукларга ер ости сув даражаси ва менераллашув даражаси онлайн мониторинг (DIVER) қурилмасини ўрнатиш ишлари смета хужжатларига асосан олиб борилади. Бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдикланган далолатномаси (Форма-2) ва хисоб фактура асосида иш олиб борилади.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартномада Кармана туманидаги 28 дона мелиоратив қудукларга ер ости сув даражаси ва менераллашув даражаси онлайн мониторинг (DIVER) қурилмасини ўрнатиш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА

### ИШЛАР КИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, таилов савдоси натижасида аникланган ва таилов комиссиясининг карори (2022 йил "28" октябрдаги лот №168284 билан ўтказилган электрон йигъалиш баённомаси) билан тасдикланган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий пархларда кўшимча киймат солиги билан 419 160 000 (турт юз ўн тўккиз миллион бир юз олтмиш минг) сўмни ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

юрнатиш кийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда; ишлар хажми ва тури катъий равишда ўзгартирилмайди (конуцда кузда тутилган холлар бундан мустасно);

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтишган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучларни ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шаргларига мувофик топшириш;

100% ўрнатиш ишларини сифатли бажарилишига кафолат беради.

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зинмасига олади.

## V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли тартибда Газначиликдан руйхатга олингап кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун кузда тутилган таъмирлаш ишлари тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига берин;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чикиш ва карор кабул килиш;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

8. Шартнома:

миллий валютада "сўмда" ўзаро хисоб-китоб килинганда - шартнома конун хужжатларига мувофик руйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

9. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

10. Таилов савдолари натижаси бўйича аникланган таъмирлашини давом этиш вақти шартнома умумий суммасидан 30% тулов амалга оширилган кундан бошлаб 15 кунни ташкил этади.

11. Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

12. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 фоизи миқдорила аванс ўтказали, бу 125 748 000 (бир тоғ йигирма беш миллион етти тоғ қирқ саккиз минг) сўмни ташкил этади.

13. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тulos "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) ва хисоб фактурасига асосан амалга оширилади.

14. Пудратчи товар фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича товарга мулк хукукини ўзида саклаб колади. Товар Буюртмачига топширилгунга кадар товарнинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

15. Буюргмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайинда бажармаган тақдирда. Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тўлашлан озод килинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

16. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофикалаштирилган ўз режаси ва жадвотига биноан ишларни бажаришини мустакил равишда ташкил этади.

17. Пудратчи ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

18. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хакда хабардор килинимаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у холда унинг татаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофик беркитиладиган ишларининг исталган кисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

19. Агар Буюртмачи ишларининг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коинкмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ

### (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

20. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табнат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилшига бевосита таъсири эта, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

21. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

22. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом этириш ёки уларнин консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

23. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

## X. КАФОЛАТЛАР

### 24. Пудратчи:

барча ишлар тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилшини; лойиха хужжатларига хамда коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан таъмирлаш учун кўлланиладиган материаллар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиклигини;

Мавжуд иуксоцлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

25. Пудратчи иуксоцлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чикиш "Давархитекткурилишназорат" органилари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик суднiga мурожаат килишини истисно этмайди.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ

### 26. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин таъмирлашнинг бошланиши Буюртмачига бөллик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;

ишларни тугатишининг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари таъмирлаш меъёрлари яа кондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

Конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

### 27. Пудратчи:

ишларнинг бажарилниши Пудратчига бөллик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатта тұхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

28. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган ишлар бир ой муддатда Буюртмачига берилади. Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

29. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

30. Шартнома бекор килинган тақдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

31. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йул кўйилмайди, конун хужжатларидаги ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

32. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси түгрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларидаги хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкacha жавобгарликка тортилади.

33. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя киymаганлиги, ўз вактида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бутганилиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0.2 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда

пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод киymайди.

34. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад отган ёки бош тортган сумманинг 2 фоизи микдорида жарима тўлайди.

35. Пудратчи ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0.3 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуксонлар ва качиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0.3 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод киymайди.

36. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, таъмирлаш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у холда Буюртмачи "Давархитекткурилишназорат" инспекциясининг хуносаси асосида кабул килиш ва унинг учун хак тўлашдан бош тортishi, шунингдек Пудратчидап сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

37. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкири шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган

харжатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган заарларни коплайди.

38. Муддат утказиб юборилганилиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарафа зарур даражада бажарилмаганилиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

### XIII. НИЗОЛАРИНГ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

39. Шартномани бажарншда ва бекор килишда шунингдек етказилгани заарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар копун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чинилади.

### XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

40. Мазкур шартнома имзолантандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

41. Пудратчи тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

42. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хакикий хисобланади.

43. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги маткур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

44. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тўлашни кечикиришга хаклидир.

45. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

46. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

47. Шартнома имзоланиб, Газначиликдан руйхатдан ўтгандан сунг конуний кучга киради ва амал килиш муддати "31 -декабр 2022 йилгача" хисобланади.

### XV. ТОМОНЛАРИНИГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

#### ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

##### ПУДРАТЧИ

Бархаёт замин томорка хизмати МЧЖ

Кармана т Шибизон МФЙ  
Х/р 20208000505388266001  
Банк Ҳалк банк Навоий шахар  
Банк коди(МФО) 00703  
ИНН 308480434  
ХХТУТ

КТУТ



У.А. Жумаев

Юрист хулосаси

##### БЮОРТМАЧИ

Куйи Зарафшин ИТХБ хузуридаги МЭ  
Юридик манзилгоҳ Навоий ш  
ШХ\р 100021860124017042402170017  
Банк номи МБ ББ ХККМ Тошкент шаҳри  
Банк коди(МФО) 00014  
ИНН 200035385

ХХТУТ

Газначилик бўлими: Навоий вилояти  
бўйича

Газначилик бошкармаси  
Газначилик Х/р 23402000300100001010  
Газначилик ИНН и 201122919



Ш.Сафаров